

Яккама-якка суҳбат.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

31 октябрь куни «Дўрмон» қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнцни расмий кузатиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнц фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг олий мартабали меҳмон Бош вазир Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди. Венгрия Президенти Арпад Гёнц улуғ бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Шу куни Венгрия Президенти Арпад Гёнц Бош вазир Ў. Султонов ҳамроҳлигида қадимий Самарқанд зиёратига йўл олди.

***

Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнц бошчилигидаги делегация Самарқандга ташриф буюрди. Меҳмонларни вилоят ҳокими А. Мардиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнцнинг қадимий шаҳар билан танишуви буюк олим ва мунажжим Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳамда унинг мемориал музейини зиёрат этиш билан бошланди. Алломанинг ҳаёти, илмий фаолияти, фанни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб ҳужжатлар, тарихий ашёлар меҳмонларда катта таассурот уйғотди. Самарқанддаги «Афросиёб» шаҳар тарихи музейидаги нодир экспонатлар, Ислом даврига оид дастлабки топилмалар ҳам улар эътиборини жалб қилди. Бибихоним масжиди, Регистон ёдгорликлар мажмуаси, Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиш давомида меҳмонлар ота-боболаримизнинг бунёдкорлик ишларидан қойил қолишганини эътироф этиш баробарида бугунги авлоднинг миллий қадриятлар, азалий анъаналарни асраб-авайлаш борасидаги ишларидан мамнуният билдирдилар. Венгриялик меҳмонлар шунингдек, «Сиёб деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан танишиб, сахий ўлкамизнинг саховатидан, деҳқонларимиз етиштирган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлишди.

Шу куни Венгрия Президенти А. Гёнц ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегация аъзолари Бухорога ҳам ташриф буюриб, яқинда 2500 йиллик тўйини кенг миқёсда нишонлаган қадимий шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари ва бошқа диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдилар.

Венгрия Республикаси Президенти А. Гёнцнинг мамлакатимизга ташрифи 1 ноябрда ниҳоясига етади.

(ЎзА).

АМЕРИКА ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

31 октябрь куни Америка Қўшма Штатлари давлат котибининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович бошчилигидаги АҚШ делегацияси мамлакатимизга келди.

С. Сестанович ташриф давомида мамлакатимиз раҳбарияти билан учрашади ҳамда бир неча вазирлик ва идораларда бўлади.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 1 ноябрь, шанба № 128 (22.211).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Вазирлар Маҳкамасида

ҚИШГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК

Вазирлар Маҳкамасида республика халқ хўжалиги тармоқларини 1997-1998 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш масалалари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий бошқарув органларининг, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш учун масъул бўлган бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлис иштирокчилари коммунал хизмат кўрсатиш, энергетика ва электрлаштириш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими вазирларининг, «Кўмир» акционерлик бирлашмаси бош директорининг, шунингдек республиканинг бир қанча вилоят ва шаҳарлари раҳбар ходимларининг ҳисоботларини тингладилар.

Мажлисда куз-қиш даврига ўтган йилдагига нисбатан яхшироқ тайёргарлик кўрилгани қайд этилди, бироқ республиканинг бир қанча вилоят ва шаҳарларида мавжуд муаммоларни ҳал этишга етарли даражада жиддий ёндашилмаган. Қорақалпоғистонда, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Самарқанд вилоятларида сув қувурлари тармоқларини обдон таъмирлаш, техникавий мақсадларда ишлатиладиган туз, ёқилғи ғамлаб қўйиш ишлари қониқарсиз экани таъкидланди. Республиканинг бошқа вилоят ва шаҳарларида, пойтахтда ҳам бу борада камчиликлар мавжуд.

Мажлис иштирокчилари қиш шароитида ишлашга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ тадбирлар дастурини тўла-тўкис амалга ошириш чораларини белгиладилар, бу масалани доимо назорат қилиб туриш тавсия этилди. Мактаблар, болалар ва мактабгача тарбия муассасалари, шифохоналар, поликлиникалар, ётоқхоналар, ўқув юртлари, уй-жойлар, шунингдек қишлоқ хўжалик иншоотлари ва бошқа объектларни иссиқлик билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Бунинг учун иссиқлик билан таъминлайдиган асосий иншоотлар, қурилмалар, машина-ускуналар, иссиқлик, сув, газ қувурларини, электр, канализация тармоқлари, қозонхоналар, печлар, биноларнинг томларини таъмирлашни тезда тугаллаш зарур.

Мажлисда коммунал хизмат учун дебиторлик қарзларини тўлаш, иссиқлик билан таъминлайдиган корхоналарни зарур миқдордаги ёқилғи билан ўз вақтида таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, республика Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов, К. Раҳимов иштирок этди.

(ЎзА).

ВАТАН ХАРИТАСИ

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнца ҳамроҳлик қилаётган Венгрия ишбилармонлари вакиллари иштирокида «Интерконтинентал-Тошкент» меҳмонхонасининг «Амир Темур» залида Ўзбекистон-Венгрия бизнес-семинари бўлиб ўтди. Венгрияда банклар тизими, мамлакатдаги мавжуд иқтисодий имкониятлар, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, кичик ва ўрта бизнес ривожи, сармоявий муҳит, хусусийлаштириш ва тараққиёт истиқболлари масалалари анжуманнинг бош мавзуси бўлди.

* * *

Пойтахтимизда республика Фан ва техника давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Фанлар академияси ҳайъатининг қўшма мажлисида республика илмий муассасаларининг пахта ва буғдой, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасидаги тадқиқот ва инновацион ишларни амалга оширишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи кўриб чиқилди.

* * *

Андижон вилояти ҳокимлигида бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев, жаҳон биринчилиги иштирокчилари — андижонлик Темур Тўлаков, Тўлқин Турғунов, Қувонч Тойғанбоев, Сергей Михайлов ҳамда уларнинг мураббийлари Александр Размахов, Марс Қўчқоров шарафига қабул маросими бўлди. Унда жаҳон чемпионига янги уч хонали квартира калити, устозларига «Тико» автомашиналари, боксчиларга эса видеоаппаратураси билан телевизорлар тақдим этилди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ «Интернет» ахборот тизими хабарига кўра, шу йил охиригача Туркманистон Украинага 3 млрд. кубометр, 1998 йилда эса 15-20 млрд. кубометр газ етказиб беради. Бу ҳақда Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва Украина бош вазирининг биринчи ўринбосари Анатолий Голубченконинг Ашгабадда бўлиб ўтган учрашувида шартномага эришилди. Бироқ томонлар Украина туркман гази бўйича ўз қарзини қандай узиши масаласини охиригача ҳал этганлари йўқ. 1998 йил январда Президент Леонид Кучма Туркманистонга келадиган бўлди.

* * *

☑ Прагада икки кунлик «Фуқаролик жамияти истиқболида Европа хавфсизлиги» халқаро конференцияси иш бошлади. Унда Ғарбий ва Шарқий Европа, АҚШ, Канада каби мамлакатлардан 200 нафар сиёсатчи, дипломат, ноҳукумат ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

* * *

☑ Амстердамдаги Рембранднинг уй музейида буюк рассомнинг асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган 80 асар илгари бундай катта доираларда намойиш этилмаган. Асарлар мутахассислар томонидан кўп йиллар мобайнида таъмирланиб, мухлислар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

* * *

Белградда Черногория ҳукумати мажлисида мамлакатда 19 октябрда бўлиб ўтган президентлик сайловлари натижалари муҳокама этилади.

Черногория Президенти Момир Булатович сайлов натижаларини сохта дея баҳоламоқда. У Югославия иттифоқи таркибидаги Черногория Республикаси бош вазири Мило Жукановичга сайловда бой бергач, натижаларни текшириш учун комиссия тузилган, дея хабар беради «Интернет».

***

☑ 1995 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Тошкентда Венгрия иқтисодий ва маданий маркази фаолият кўрсатмоқда.

Марказ иштирокида 1996 йилнинг кузида очилган венгер кўргазма дўкони Венгрия товарларининг Ўзбекистонга кириб келишини таъминламоқда.

Айни кунда Венгрия-Ўзбекистон савдо муносабатлари асосан венгер дони ва ўзбек пахтасини етказиб бериш билан белгиланади. Бундан ташқари ўзаро воситачилик савдо-сотиғининг ҳиссаси ҳам катта.

1996 йилда Венгрия маҳсулотлари экспорти 20 миллион, импорти эса 25 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Венгриянинг Ўзбекистонга экспорти 12 миллион АҚШ долларини, импорти ҳам шу миқдорни ташкил этди.

ҚАШҚАДАРЁ. ҚАРОРИ – ЖАСОРАТ, БАРОРИ – МЕҲНАТ

Вилоят пахтакорлари йиллик режани бугун-эрта адо этадилар.

Қашқадарё чин маънода хазиналар макони. Мамлакатимизнинг асосий заҳиралари — газ ва нефть конлари шу саховатли замин бағрида. Хазина дегулик пахта, ғалла хирмонлари-чи? Ҳали ҳеч вақт ўтгани йўқ— вилоят ғаллакорлари энг кўп неъмат — 326 минг тонна сара дон бунёд этишган эди. Бугун-эрта эса пахтакорлар яна бир тенгсиз хазина — 420 минг тонналик пахта хирмонини юртга армуғон этадилар.

Залворидан филнинг ҳам бели майишадиган бу рақамлар қандай ҳосил бўлди? Нуқтадай чигитдан мамлакатдаги энг улкан хирмонни яратган деҳқонлар нималарни бошдан кечирдилар? Ҳеч бўлмаса, бугун уларнинг меҳнатига тасанно айтмоқ, жасорати олдида таъзимда бўлмоқ лозим. Энди кўз ўнгингизга келтиринг: 173 минг гектар ерга чигит барвақт экиб бўлинган, кўплаб майдонларда экинлар дуркун саф тортган эди... Тўсатдан кучли жала, шамол ва дўл экинлар устига ёпирилиб, тупроққа қориштириб ташлади. Ғузор туманида салмоғи 400-450 граммли дўл ёққан, Китоб туманида минглаб азамат дарахтларни шамол ағдариб ташлаган эди. Деҳқонлар билдирмай келган балони ҳам, қўлдан кетган ҳосилни ҳам чамалаб кўришганди. Бу воқеа 2-3 май кунлари юз берди...

— Аммо одамларнинг руҳи тушмади, — дейди вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Озод Пармонов. — Юртбошимиз машаққатли кунларда кўнглимизни кўтариб, «Элингизга айтинг, табиий офат нобуд қилган ҳосилни яратганнинг ўзи икки ҳисса қилиб қайтаради», дедилар. Бу қутлуғ тилакларни одамларга етказдик. Барча оёққа турди. Қарийб 50 минг гектар майдонга қайтадан чигит экилди. Президентимизнинг айни терим палласида вилоятимиз деҳқонлари ҳузурига ташриф буюрганлари, қимматли маслаҳатлар берганлари ҳам кучимизга куч қўшди. Аммо табиий офат туфайли анча майдонларда ҳосил кеч етилди. Бунинг устига алмашлаб экиш тўлиқ йўлга қўйилмаган ўн йиллаб пахта экиладиган майдонлар бор эди. Булардан кўз юмиш, хатоларни хас-пўшлаш керак эмас. Масалан, мелиоратив ҳолати кескин ёмонлашган ерлардан қандай юқори ҳосил кутиш мумкин? Бу борада ҳам ижобий тадбирлар амалга ошмоқда. Айниқса, терим даври яхши ташкил этилди. Машиналар етишмаётганлиги туфайли бир кунда 250 минг нафарга яқин теримчи меҳнат қилган пайтлар бўлди. Ўз ихтиёрлари билан далага чиққан ҳашарчилар ҳам фидокорлик кўрсатдилар. Бу гапларни шунинг учун айтяпманки, воҳа пахтакорлари эришаётган муваффақият ҳамманики...

Вилоятда ҳамма жасорат ва фидокорлик билан табиий офат қийинчиликларини енгди. Тадбиркорлик ўзини кўрсатди. Буни 13 минг тоннадан ошириб пахта топшириб, вилоятда йиллик режани биринчи бўлиб бажарган китоблик пахтакорлар яна бир бор исботлаб бердилар. Кетма-кет маррага етиб келган қўрик У. Юсупов, Касби туманлари деҳқонлари қўшимча мажбуриятни ҳам бажариб, ялпи хирмон салмоғини 32 минг тонна

Пахта — 97

ўрнига 36 минг тоннага етказишди. Табиий офатдан энг кўп зарар кўрган, яна қайтадан чигит экиб, йиллик режани ошириб адо этган Ғузор тумани пахтакорлари жасорати олдида бош эгмай бўладими? Қамаши, Қарши туманларининг ялпи хирмондаги улуши катта бўлди. Бу ўринда раҳбарлик маҳорати ҳамда ташкилотчилик ҳақида гапирмай илож йўқ. Ишдан бўшатилган раҳбарлардан бири: «Ўн йилдан кейин ҳам Косон тумани режани бажара олмайди», дея «башорат» қилган экан. Йўқ, бундай бўлиб чиқмади. Олдинги йилларда ҳукм сурган хўжасизлик, ношудлик оқибатларини бартараф этишда туман ҳокими У. Исмоилов фаолларга, жонкуярларга суянди, интизом қаттиқ қўйилди. Натижада Косон тумани ғалладан ҳам мўл ҳосил олди. 55 минг тонналик улкан хирмон яратиб, пахта режасини ҳам уддалашга муваффақ бўлди.

Ҳа, тажриба ва тадбиркорлик уйғун жойда муваффақият тайин. Шу ўринда нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда кўзга кўринарли натижаларга эришган Касби тумани миришкорлари тажрибасини алоҳида тилга олмоқ лозим. Туман ғаллакорлари 48,5 минг тонна ғалла етиштириб, ҳосилдорликни вилоятда энг юқори — 33 центнерга етказишган эди. Энди пахтакорлар режадагидан 10 минг тонна кўп — жами 67 минг тонна пахта армуғон этдилар. Ҳосилдорлик 34 центнерга етди. Вилоятда машиналар ёрдамида жами 50370 тонна пахта терилган бўлса, шундан 23 минг тоннаси касбилик механизаторлар ҳиммати-дир. Натижада таннарх пасайиб, даромад кескин кўпайди. Таъбир жоиз бўлса, касбиликлар тажрибаси — деҳқончилик истиқболи даракчисидир.

Бундай тажриба ўнлаб хўжалик, бригада ва ижарачи жамоаларда ҳосил бўлди. Китоб туманидаги М. Бобоев, «Навбаҳор», У. Юсупов туманидаги «Жейнов», «Миришкор» Касби туманидаги Ш. Рашидов номли, «Ғалаба», «Қашқадарё», Ҳ. Хўжақулов номли, Алишер Навоий номидаги, Ғузор туманидаги А. Турсунов номли, Қамаши туманидаги «Тўқбой», Қарши туманидаги «Истиқбол» Я.Омонов номли, Косон туманидаги «Гулистон», А. Набиев номли, Чироқчи туманидаги «Ўзбекистон», Шаҳрисабз туманидаги П. Шербобоев номли ва бошқа ўнлаб хўжаликларда юқори натижалар қўлга киритилди. И. Абдужабборов, Ш. Бўриев, А. Эгамова, М. Шониёзов, Т. Ҳамроев, С. Отақулов, М. Усмонбердиев, Д. Сангатов каби пахта усталари бошлиқ бригада ва ижара жамоаларида ҳосилдорлик 45-57 центнерга етганлиги пахтачилик истиқболидан нишона.

— Президентимиз пахтачилик, умуман қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштириш борасида истиқболли вазифаларни ўртага қўйдилар, — дейди О. Пармонов. — Бу эртаги ҳосил етиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва техника таъминоти билан боғлиқ. Келгуси йилда яна 420 минг тонна пахта, 317 минг тонна ғалла етиштирамиз. Ҳозир 80 минг гектар пахта ерига кузги ғалла экиляпти. Чунки алмашлаб экиш қатъий жорий этилиши лозим. Пахта ва ғалла навларини танлаб оляпмиз. Қишлоқ хўжалик техникалари, айниқса ҳайдов тракторларининг 40-45 фоизи таъмирталаб бўлиб қолган. Агар бу масалаларни амалда ҳал қилсак, замин саховатидан янада кўпроқ баҳраманд бўлаверамиз...

Фидокорлари, тулпорларни елдирадиган шунқорлари бор бу элнинг юки ерда қолмайди. Меҳнат — жасоратга, ўйлари тўйларга уланиб кетаверади. Темур бобомизнинг қутлуғ тўйида иштирок этган улуғ шоиримиз Абдулла Ориповнинг дилига тугилган ушбу байт ҳам қашқадарёликлар ниятига хос:

Темур руҳи барорингни қўлласин,
Кун ўғлони тулпорингни қўлласин...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАХТАОБОД ПАХТАСИ

Андижон вилояти Пахтаобод тумани деҳқонлари маррага етди. Қабул пунктларига 24 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 29 центнерни ташкил этди.

ДЕНОВ ДОВОН ОШДИ

Сурхондарё вилояти Денов тумани пахтакорлари ғалаба қучди. Улар уйган хирмон 44 минг тоннадан ошди. Гектар бошига ўртача 35 центнердан ҳосил кўтарилди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

«КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ЯРАТАМИЗ»

Тўрткўл тумани ҳокими С. И. ИСКАНДАРОВ махсус мухбиримиз Ҳамид ИКРОМОВ билан суҳбатни шундай сўзлар билан бошлади.

Ислоҳот ва масъулият

— Туманимизда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари сони ҳозир 20 тага етди, 500 дан ортиқ кичик ва хусусий корхоналар ташкил қилинди, якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар сони 2000 дан зиёдни ташкил қилади. Шунингдек 187 та савдо, юздан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш корхоналари хусусийлаштирилди. Қатор янги корхоналар ташкил қилиниши ҳисобига мингдан зиёд қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Ҳозир туманда 150 дан ортиқ якка деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётганининг ўзи кўп нарсадан дарак беради-да.

— Самарали меҳнат, кўнгилдагидек яшаш хусусида кўпроқ натижаларга қараб хулоса қилиш мумкин. Амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳақида рақамлар ҳам кўп нарса «айтиши» мумкин, тўғри эмасми?

— Ўтган 1992—97 йиллар мобайнида туманда 4397 ўринли 8 та мактаб, 565 ўринли 3 та болалар боғчаси, 325 ўринли соғлиқни сақлаш муассасалари, 1000 ўринли 2 та клуб ва маданият саройлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Яна туманимизда кемпинг ва ун комбинати фойдаланишга топширилиш арафасида. Давлат маблағи ҳисобидан умумий майдони 30 минг квадрат метрга яқин турар жойлар, аҳоли маблағи ҳисобига эса 50 минг квадрат метр турар жой бинолари қурилди.

Ўтган даврда туманимиз ҳудудида 280 км. узунликда газ қувури, 67 км. узунликда тоза ичимлик суви қувурлари тортилди. Ҳозирги кунда туманимиз аҳолисининг 58,3 фоизи тоза ичимлик суви, 73,8 фоизи табиий газ билан таъминланган. Бу — бизнинг шароитда катта гап!

Туманимиз иқтисодиётини кўтаришнинг муҳим омили бўлган Учқудуқ — Мискин — Тўрткўл — Нукус темир йўлининг 28,4 км. узунликдаги Мискин — Тўрткўл участкасининг қурилиб фойдаланишга топширилиши, айтиш мумкинки, туманимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта воқеа бўлди.

— Саноатни қишлоққа олиб кириш масаласи-чи?

— Туманимизнинг «Шўрахон» жамоа хўжалигидан 400 нафар қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаган «Нафосат» тикувчилик фабрикасининг 300 ўринли филиаллари иш бошлади. Аҳоли зич жойлашган қишлоқларда гиламдўзлик, оҳак пишириш, ғишт заводлари, ун тегирмонлари ва бошқа турли пуллик хизмат кўрсатиш ўринлари ташкил қилиниб, ёшларни иш билан таъминлашга ҳамда аҳолининг оғирини енгил қилишга хизмат қиляпти.

— Бу йил дала заҳматкашларига Оллоҳ катта неъмат берди: обҳавони қаранг. Бундай ёғинсочинсиз кузнинг баракаси қандай бўляпти?

— Деҳқонларимиз куч-ғайратларини аямай меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили ноябрь ойигача 25077 тонна пахта топширилган бўлса, бу йил эса 33640 тонна пахта давлатга топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан 8563 тонна кўп демакдир. Туманимиз аҳолиси пахта режасини бажариш учун астойдил бел боғлаганлар. Бу йил пахтачиликда янгича усул — қўшқаторлаб чигит экиш усулини қўлладик. Буни 1000 гектарда тажриба қилдик. Натижа чакки эмас: кўпгина жамоа хўжаликларида пахтадан юқори ҳосил олинди, ҳосилдорлик гектар бошига — 25—30 центнердан, яъни ўтган йилдагига нисбатан 12 центнердан зиёд бўлди. Давлатга пахта топшириш қизғин бормоқда. Қатор оилавий пудратчилар режаларини ортиғи билан уддаладилар. Булардан: «Мискин» ширкатлар уюшмасидан Анор Тувакова (гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарди), Оқмурат Бердиев — 27 центнердан, Тозагул Каримова — 27центнердан, Аман Аширов — 28 центнердан, «Шўрахон» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидан Қаҳрамон Машарипов — 45 центнердан ҳосил олди! Ҳозирги кунда улар оширилган мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Келгуси йилда миришкор пахтакорларимиз илғор технология асосида 5 минг гектарга чигит экишни режалаштирмоқдалар.

Чорвачилигимиз ҳам баракали бўлди. Хуллас, аниқ тадбирлар асосида иш юритиш ижобий самара бермоқда. Давлатга мева топшириш бўйича ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35 тонна, сабзавот — 20 тонна, полиз экинлари — 74 тоннадан зиёд топширилди.

Президентимиз И. А. Каримовнинг яқинда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 1-чақириқ 12-сессиясида сўзлаган нутқида қорақалпоғистонлик деҳқонлар меҳнатига берган баҳоси, кўрсатган йўл-йўриқлари туманимиз меҳнаткашларига янгича қанот бахш этди. Ҳозир ҳар бир меҳнаткаш келажагимиз порлоқ бўлишига тўла ишонч билан далаларда шижоат кўрсатяпти.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚЎШИҒИНГИЗНИ ТУШУНТИРИБ БЕРИНГ»

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги газетанинг шу йил 12 август сонида чоп этилган «Қўшиғингизни тушунтириб беринг» сарлавҳали ва шундан кейинги бошқа мақолаларда замонавий қўшиқчилик санъати билан боғлиқ долзарб муаммолар кўтарилганини ўринли деб ҳисоблайди. Чиндан ҳам уларда халқимизнинг, жамоатчиликнинг айни дилидаги сўзлар ифодаланган.

Мақолаларда кўтарилган муаммолар маънавиятимизнинг оғриқ нуқталаридан бири, ниҳоятда долзарб ва кенг қамровли бўлгани учун вазирлик шу йил ноябрь ойида бастакорлар, ёзувчилар уюшмалари, Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази, «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси, «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси, «Камолот» жамғармаси, матбуот, телерадио ва кенг жамоатчилик вакиллари билан замонавий қўшиқчилик санъати муаммоларига бағишланган давра суҳбати уюштиришни режалаштирмоқда.

Вазир ўринбосари
М. АБДУҚУНДУЗОВ.

Хатлар Хатлар Хатлар

ДАВОЛИККА ДАВОКУ-Я, ЛЕКИН...

Минг дардга даво нима? — деганда, табиийки, асал тушунилади. Бироқ айни пайтда асал етиштиришнинг ҳам ўзига хос муаммолари йўқ эмас. Асаларилар фақат бол тўплабгина қолмай, балки ўсимликларни (гул, пахта, маккажўхори, беда, янтоқ ва бошқалар) чанглаши туфайли ҳосилдорликни бир неча баробарга ошириши мутахассислар томонидан ўрганилган. Бу ҳақда қанчадан-қанча илмий мақолалар, рисолалар ва китоблар чиққан. Аммо, буни айрим хўжалик раҳбарлари тўғри тушуниб етмаётгани ачинарлидир.

Гапнинг индаллосига келадиган бўлсак, Қашқадарёнинг тоғли туманларидан бири Китобда асаларичиликка ихтисослашган хўжалик бор. Салкам йигирма йилдан буён шу хўжаликда касбим тақозоси билан зооветеринария соҳасида фаолият кўрсатаман. Хўжалик аъзолари олдиларидаги режа ва мажбуриятларини ортиғи билан адо этиб келаётир. Тўғри, маҳсулотнинг сон ёки миқдори эмас, сифати ҳам асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, хўжалигимизда мавжуд бўлган минглаб асалари қутиларини мавсумига қараб, тоғ ва чўлларга элтамиз. Мавсум тугагач, қайтиб олиб келамиз. Айни мана шундай пайтда жуда қийналамиз. Чунки, бошқа туманлардаги (айниқса, Баҳористон, Нишон, Усмон Юсупов) айрим хўжалик раҳбарлари асалари қутиларини жойлаштиришимизга жон, деб рухсат берди ўрнига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилишади. Баҳслашишга не ҳожат?! Атрофида асалари қутилари жойлашган майдондаги экинзорлар билан бошқасидан олинган ҳосилдорликни солиштириб кўринг-чи, орадаги фарқ ана шундагина равшан бўлади-қолади. Бундан биз ҳам, улар ҳам катта наф кўради. Наҳотки, буни баъзи хўжалик мутасаддилари билишмаса? Истардикки, биз асалчилар ишини қўллаб-қувватлайдиганлар кўпайса...

Тўйчи ҲАКИМОВ,
Китоб тумани.

ТАНОБИ ТОРТИЛСА, ДЕЙМИЗ

Ҳурматли таҳририят! Биз Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 174-уй хонадон эгалари шу кўчадаги собиқ ошхонани ресторан-новвойхонага, сабзавот дўконини эса спиртли ичимликларнинг сотилиш жойига айлантирилганлигидан ташвишга тушиб қолдик.

Кечки салқинда эса тоза ҳаводан нафас олиб сайр қилолмаймиз. Сабаби, уйимизнинг биринчи қаватидаги ресторандан маст-аласт чиққан хўрандаларга тўқнашиб, асаб бузилишдан юрак ютиб кўчага чиқолмаймиз.

1963 йилда қурилган бу уй 35 йил ичида бирор марта капитал таъмирланмаган: на қувурлар ва на канализация қурилмаси алмаштирилган. Ҳозирда бу уй ҳалокатли ҳолатга тушиб қолган. 1966 йилги кучли ер силкинишига дош бера олган уй эндиликда эскириб, нураб тушай, деб турибди.

Боз устига кўчамизда бўлаётган қонунбузарлик ва нотинчлик, тунги ором вақтида қулоқни қоматга келтириб қўйилаётган жазавали мусиқалар, ресторанда зикр тушиб кўнгилхушлик қилаётганларни шовқин-суронидан уй томи тугул, ер титрайди.

Хонадонларнинг деворларидаги дарз кетган жойлардаги ёриқлардан кун кўринай деб қолди. Бир неча бор шикоят қилишимизга қарамай ЖЭК ходимларининг парвойи палак.

Клара НАРИМАНОВА,
Санобар ШОДМОНОВА,
(нафақачилар).

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

✂ -

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Иқтисодиёт ва бурч

ҚОР ОСТИДА ҚОЛМАЙДИ

Бугун мамлакатимизнинг қайси жойида бўлманг, қурилишнинг устидан чиқасиз. Шаҳарларда маданий-маиший, спорт иншоотлари, супермаркетлар қурилаётган бўлса, қишлоқларда одамлар замонавий иморат солиш пайида. Бу ҳам элда барқарорлик белгиси. Одамларнинг келажакка метиндек ишончидан далолат. Аммо қурилишбоп материал ҳадеганда топилмасачи? Албатта, «Қолган ишга қор ёғар» деганларидек иш орқага сурилади. Республикамизда эса бундай бўлаётгани йўқ. Мўлжалдаги катта-катта қурилиш иншоотлари ҳам муддатидан анча олдин фойдаланишга топширилятпи.

Шу ўринда очиқ турдаги «Қурилишматериалсаноатбутлаш» акциядорлик жамиятидаги ютуқларни кўриб, уларнинг ишларини таҳлил қилиб, муваффақиятларга осонликча эришилмаётганлигини англадим. Бундан икки йил олдин аҳвол тамоман бошқача бўлган. Аниқроғи, ташкилот жойлардан 200 миллионга яқин қарз, ишчилар маошини ўз вақтида ололмай ҳалак эди. Шунинг учун ҳам бу муаммоларнинг ечими қандай топилгани билан қизиқиб, очиқ турдаги «Қурилишматериалсаноатбутлаш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Икром Очилович Бобожоновга мурожаат қилдик.

— Тўғри айтасиз, икки ярим йил олдин раҳбар бўлиб келганимда аҳвол ниҳоятда оғир эди. Энг аввало иқтисодга эътиборимни қаратдим. Даставвал, тўловларнинг интизомли ҳаракатини таъминлашга эришдик. Шунингдек, кадрларни жой-жойига қўйиш, бу борада ҳам қатъий интизом бўлиши оқибатида қолоқлик ботқоғидан қутилдик. Ҳозирча ҳеч қандай ҳисоб-китобда узилиш йўқ. Бюджетдан ҳамда ҳар хил тўловлар бобида қарздор эмасмиз. Қурилиш маҳсулотлари таннархини арзонлаштириш, ходимларимизнинг моддий шароитини яхшилаш устида ишлаяпмиз.

— Икром Очилович, бунинг устига сизларда ишчилар сонини қисқартирмасдан янги иш жойлари ҳам очишга эришилибди...

— Вилоятларда ўзимизга тегишли 19 та филиал очишга муваффақ бўлдик. Бу орқали 314 нафар кишини иш билан таъминлашга эришдик. Филиалларда аҳоли ва қурилиш ташкилотларига қурилиш ашёларини етказиб бериш, сотиш ишлари олиб борилади. Келгусида бундай шаҳобчаларни янада кўпайтирамиз. Шунда мамлакатимизнинг чекка қишлоқлари аҳолисини ҳам уй қуриши учун муҳим бўлган қурилиш материаллари билан таъминлаган бўламиз. Албатта, бу ишлар аҳоли талаби ўрганилиб амалга оширилмоқда.

Республикамиздаги юздан ортиқ қурилишбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тўхтаб қолмаслиги учун уларга керакли хом ашёни ўз вақтида етказиб бериш асосий вазифамиз ҳисобланади. Шунингдек, улар ишлаб чиқарган қурилиш маҳсулотларини сотишда кўмаклашамиз. Маҳсулотлар сотиш режаси 135 фоизга уддаланган ҳам республикамизда қурилиш ишлари авж эканлигидан далолатдир. Миробод тумани ҳудудида қурилиш материаллари билан савдо қилувчи замонавий дўкон қуришни мўлжаллаб турибмиз.

— Ҳозирда нима кўп, ишбилармон кўп. Тошкентнинг халқа йўли бўйлаб юрсангиз қурилиш материаллари сотилаётган бозор ва дўконлар бисёрлигига дуч келасиз. Хўш, сизлар аҳолига сотаётган маҳсулотларнинг улардан фарқи борми?

— Албатта, филиалларимизда сотилаётган барча қурилиш материаллари аввало ўзимизнинг саноат корхоналарида ишлаб чиқарилади. Уларни жойлардаги шаҳобчаларга ўзимизга тегишли 3 та автокорхона машиналари элтади. Темир йўлчилар билан ҳам ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган. Демак, маҳсулотларимиз арзон. Яна бир томони, биз Хоразм ёки Сурхондарёдан аҳолини Тошкентга сарсон қилиш эмас, ўзимиз шу вилоятларнинг аҳолисига қурилиш маҳсулотларини етказиб бериш хизматини кўрсатамиз. Юқорида айтганимиздек филиалларимизни келгусида ҳар бир туманда очиш ниятимиз бор.

— Бугунга келиб, хорижий ҳамкорлар билан алоқа боғламасдан муваффақиятларга эришиб бўлмаслиги аён бўлиб қолди. Бу борада ҳам фикрингизни билмоқчи эдик?

— Хорижий давлатлар ва МДҲдаги республикалар билан шартномалар асосида алоқаларимиз яхши. Аҳдлашувларнинг амалиётига бекаму-кўст эришилаётганини кўриб турибмиз. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларига чет элликларнинг талаби ошиб боряпти. Айниқса, мармарларимиз ҳар қандай хориж фуқаросини маҳлиё этаётганидан қувонамиз.

Инглизлар билан ҳамкорликда «Строминсервис» Ўзбекистон—Британия қўшма корхонасига асос солинди. Бу ерда Италиядан келтирилган мармарни қайта ишловчи дастгоҳлар ўрнатилган.200 га яқин маҳаллий кадрлар ишламоқда. Ҳеч ким маошдан нолимайди. Шу ерда ишлаётганидан фахрланади.

Суҳбатдошимиз ҳақида икки оғиз: Икром ака ишни электр-пайвандчиликдан бошлаб, қурувчилик, муҳандисликнинг барча поғонасини босиб ўтган. Тошкент политехника институтини муваффақиятли битирган. Бўш вақтида газета-журнал, китоб ўқишни хуш кўради. Спортнинг бокс ва теннис турини севади. Озгина вақти бўлса машғулотларда қатнашади.

Икром акадан ҳар қандай муаммо қочиб қутулолмайди. Камчиликларни бартараф этмасдан тиним билмайдиган раҳбарнинг иши эса ҳеч қачон қор остида қолмаган. Аксинча, муваффақиятлар унга эргашган. Муваффақият эргашган яхши жамоанинг ошиғи ҳар доим олчи.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



СУРАТЛАРДА: 1) жамият бошқаруви раиси И. Бобожонов. 2) мармарни қайта ишлаш цехи бошлиғининг муовини С. Маҳкамов (чапда) ва силлиқловчи В. Белаков.

Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар.

«РАИС БИЛАН ТИЛ ТОПИШИБДИ-Я»

Газетанинг 1997 йил 22 июль сонида босилиб чиққан «Раис билан тил топишибди-я» сарлавҳали мақолани вилоят ҳокимлигининг мутахассислари ҳамда Учкўприк туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Мирзахўжа қишлоғи фахрийлари ва мақола муаллифи иштирокида ўрганиб чиқилди. Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг 5-бригадаси ҳудудида 4 та дала шийпони борлиги аниқланди. Шулардан биттаси талон-торож бўлиб, эшик-деразалари ўғрилганлиги сабабли фойдаланилмай турилган. Маҳалла оқсоқолларининг таклифига биноан фойдаланилмаётган шийпон сотувга қўйилган.

Сотувга қўйиладиган шийпонни сотиб олиш учун шу жамоа хўжалиги аъзолари ҳам хабардор бўлган, аммо жамоа хўжалиги аъзоларининг 1996 йил 18 апрелдаги йиғилишда шийпонни энг кўп пул тўлаган фуқарога сотилиши кўрсатилган.

Шунинг учун мақолада кўрсатилган шийпонни жамоа хўжалиги аъзоларидан харидор бўлган фуқаролар 30—40 минг сўмдан ортиққа ололмаслигини билдирганларидан сўнг, жамоа хўжалигида ишламайдиган фуқаро Маъмурали Ботиров шийпонни 100 минг сўмга сотиб олган ва шу йилнинг 20 апрель куни жамоа хўжалиги хазинасига 100 минг сўм нақд пул тўлаган.

Мақолани ўрганиб чиқиш вақтида жамоа хўжалиги аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, муҳокама қилинди. Унда шийпон тўғри сотилганлиги таъкидланиб, жамоа хўжалиги томонидан тегишли қарор қабул қилинди.

А. ОТАБОЕВ,
Фарғона вилояти ҳокимининг
биринчи ўринбосари.

«СУВСИЗЛИК АЗОБЛАРИ»

Акмал Икромов тумани ҳокими ижроия маҳкамаси «Сувсоз» трестининг туман сув ўтказгич тармоқларини таъмирлаш хизмати билан биргаликда «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 13 сентябрь сонида чоп этилган «Сувсизлик азоблари» сарлавҳали мақолада баён этилган Самарбону 3-тор кўчасидаги сув таъминотини жойига бориб текшириб чиқди.

Ҳақиқатдан ҳам ёзнинг иссиқ кунларида ичимлик суви билан экинларни суғориш ҳоллари кўпайгани сабабли сув танқислиги сезилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳозирги кунда ушбу кўчада сув таъминоти яхшиланди.

Туман ҳокими О. АЛИХЎЖАЕВ.

ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ ЛОЛ ҚОЛАДИ

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳақида гап борганда олтин конлари-ю, кенг пахтазорлар ёки нефть миноралари кўз олдингизга келади. Бироқ мамлакатимизнинг яна бир бойлиги борки, унга ҳам назар солиб қўйиш керак. Бу беҳисоб боғ-роғларимизда етиштирилаётган мева-ю сабзавотлар ҳамда сархил узумлардир. Шу маънода боғ-роғларнинг меваси бўлмиш маҳсулотларни қайта ишлаб, уларни эл дастурхонига, ҳатто хорижий мамлакатларга етказиб бериш муҳим вазифадир.

Кейинги йилларда мева ва узумни қайта ишлаш борасида бирмунча яхши натижаларга эришилди. Ўзбекистон виноси жаҳон бозорига чиқа бошлади. Бу борада қатор вино ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ҳиссаси беқиёсдир. «Ўзмеваузумсаноатхолдинг» компаниясига қарашли очиқ турдаги «Янгийўл» ҳиссадорлик фирмасида ҳам иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш йўлидан борилмоқда.

Бундан беш йил аввал бу ерда «Янгийўл» агрофирмаси ташкил этилди. «Янгийўл», «Янгиобод» ва Навоий номли деҳқон-фермер хўжаликлари фирма таркибига қўшилишди.

— Ҳиссадорлик жамиятига ўтганимиздан сўнг ишчиларимиз ўртасида ҳалоллик, ўз ишига юксак масъулият кучайди, — дейди фирма раиси Абдуманнон Шукуров. — Айниқса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун янги илғор технологияни жорий этишга киришганлигимиз қувончли бўлди. Бу борада бизга «Ўзмеваузумсаноатхолдинг» компанияси раиси Баҳром Носиров катта ёрдам бердилар. Маълумки, баракали Ўзбекистон қуёшидан баҳраманд бўлган виноларимиз жаҳондаги кўплаб мутахассисларни қойил қолдирди. Бироқ бизда тайёр маҳсулотни яхшилаб кўрсатиш маҳорати етишмайди. Чиройли шишалар, гўзал ёрлиқлар маҳсулотнинг харидоргирлигини ошириши тайин. Биз шу мақсадда Литванинг «Ян-Алра» фирмаси билан қўшма корхона қурдик. Айни пайтда ана шу қўшма корхонада сифатли шиша идишлар ишлаб чиқариляпти. Литвадан ҳам сифатли ва бежирим шиша идишлар олиб келиняпти.

Айни пайтда корхонанинг йиллик қуввати 30 минг тонна хом ашёни қабул қилиб, қайта ишлашга етади. Бироқ завод қабул пунктларига йилига 4—5 минг тонна узум келиб тушмоқда. Дастгоҳлар бекор туриб қолмаслигини таъминлаш мақсадида бу ерда олма шарбати ҳам ишлаб чиқариляпти.

Кейинги пайтларда ҳиссадорлик жамиятида изланишлар давом эттириляпти. Жаҳон бозорига чиқиши мумкин бўлган маҳсулотлар кўпайтириляпти. Айниқса, бежирим идишларга солинган «Халқобод», «Ўзбекистон», «Шодлик», «Анҳор» олий навли коньяклари ҳар қандай юксак дидли истеъмолчини ўзига чорлай олади.

Айни пайтда корхона ишчи-хизматчилари ички имкониятлардан келиб чиқиб, эскириб қолган асбоб-ускуналарни янгиламоқдалар. Четга чиқарилган маҳсулот ҳисобига олинган валютага янги дастгоҳлар сотиб олиняпти.

— Ҳиссадорлик жамиятимиз аъзолари ишга астойдил ёндашаётганларининг сабаби бор, — дейди корхонанинг молия ва иқтисод масалалари бўйича раис ўринбосари Шоқосим Шорустамов. — Бизда ишлайдиган 400 кишининг моддий манфаатдорлиги юқори. Ўртача 2,5 — 3 минг сўмдан ойлик олишаётир. Ўтган йили ишчиларимиз ҳар бир акцияга 231 сўмдан дивиденд олишди.

Куз қуёши заррин нур сочаётган шу кунларда корхона миришкорларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар далаларда етиштирилган мўл ҳосилни қабул қилиб олиш билан банд. Болга тўлган узумлар яқин келажакда олий навли тайёр маҳсулотга айланишига шубҳа йўқ. Булар биринчидан, элимиз дастурхонини тўлдирса, иккинчидан хорижий мамлакатларга йўл олиб, Ватанимизга валюта келтириши шубҳасиз.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

«ИТТИФОҚ»ЛАР МОҲИЯТИ

ёки эски империяни кимлар қўмсамоқда?

Ҳар сафар МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви олдидан, албатта, битта ғалати «совға» тайёрланади. «МДҲ ишламаяпти» деган сохта шов-шув кўтарилади, одамларнинг фикри-ўйини чалғитишга қаратилган «Евроосиё», «чуқурлашган интеграция» сингари ибора ва ташаббуслар илгари сурилади. Ўз халқининг тақдири, одамларни жунбушга келтираётган муаммолар бир четда қолиб, бошқа халқларга ғамхўрлик қилиш, ўзларини гўё барчага бирдек куювчи, инсонпарвар раҳнамодек кўрсатиш авж олади, «ташаббус оталари» майдонга чиқади. Хуллас, ўйин қизийди. Бундай «тадбирлар» гарчи шакл жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, мақсад ўзгармайди — учрашув қатнашчиларига тазйиқ ўтказиш, МДҲни ўз манфаатларига буйсиндириш.

Ёдингизда бўлса, 1996 йил бўлиб ўтган учрашув арафасида «Независимая газета»нинг 26 март сонида «МДҲ: тарихнинг ибтидосими ёки интиҳоси?» номли мақола чоп этилди. Унда бир гуруҳ исми-шарифи номаълум шахслар мустақил давлатларнинг иродасини синдириб, Россиянинг миллий манфаатларига хизмат қилишга мажбурлаш учун миллий ва этник низолардан фойдаланиш, минтақавий можароларни рўкач қилиш, ҳудудий даъволарни кўтариб чиқиш каби «тавсия»ларини баён қилишган эди. Бу мақоланинг очиқ-ошкор тажовузкорона моҳияти Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли янги асарида батафсил таҳлил қилинган.

Яқинда бўлиб ўтган Кишинёвдаги учрашув олдидан ҳам айни шунга ўхшаш воқеа рўй берди. Москвада Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари учрашишди. Албатта, давлат раҳбарларининг ўзаро учрашуви, иттифоқ тузишлари ёки битимлар имзолашлари янгилик эмас, бу сиёсат оламида рўй берадиган одатий ҳолдир. Биз «тўртлик» деб аталаётган мамлакатларга тегишли масалаларни муҳокама қилиш фикридан йироқмиз. Бизни қизиқтирган масала бошқа — мана шу учрашувда МДҲ борасида айтилган гаплардан кўзланган мақсад ва тобора кўпайиб бораётган «иттифоқ»ларнинг моҳияти.

Москвадаги учрашув ниҳоясида Россия ва Белоруссия ўртасидаги «иккилик иттифоқи» ҳамда Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги «тўртлик иттифоқ»лари МДҲни **ушлаб турипти,** улар кўп муаммоларни ҳал этишда **локомотив** вазифасини ўтаяпти дейилди. Учрашув қатнашчиларининг фикрларига кўра Божхона Иттифоқи каби ҳужжатларни имзолашга ҳали МДҲ тайёр эмас, тўртлик эса бу ишни уддасидан чиқмоқда. Буни бошқача тарзда айтадиган бўлсак, МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларига ҳам бу ҳужжатни имзолаш муҳимлиги қатъий уқтирилди. Локомотивлар ўз вагонларига эга бўлишни тақозо этишини зукколик билан англаган россиялик сиёсатчилар бошқа давлат раҳбарларига зудлик билан Москвага ариза ёзиб келишни маслаҳат беришди. Акс ҳолда «қўшимча йўлда» турганлар локомотивдан узилиб қолиши мумкинлигини писанда қилиб ўтишди. Мана Сизга Москвадаги учрашувнинг асл маъно-моҳияти. Бу соддароқ қилиб айтганда, ўша собиқ иттифоқнинг бир кўриниши, яъни кимдир локомотив бўлса, кимдир унга тиркалган вагон вазифасини ўтайди. Шундан сўнг моҳият ўз-ўзидан ойдинлашади: локомотив қаёққа бошласа, вагон ҳам шу томонга юради... Шу ғояни илгари сураётганларга иккиучта вагон топилди, энди улар қолганларини қидиришмоқда. Вагон бўлишга тайёр турганлар ҳам йўқ эмасга ўхшайди.

Келинг энди бу иттифоқларнинг маъно ва моҳиятига бир эътибор берайлик. Ажабланарли томони шундаки, биргина МДҲнинг ичида «иккилик» ва бу «иккилик»ни ўз навбатида «тўртлик»нинг ичига кириб кетиши ғайритабиий туюлади. А. Лукашенко эса «Комсомольская правда» муштарийлари билан бўлган суҳбатда яна бир иттифоқ — Тўрт Славян Мамлакатлари Иттифоқини ташкил қилиш учун жон-жаҳди билан интилаётганини маълум қилди. Битта МДҲ учун шунча иттифоқ кўплик қилмасмикин?

Мамлакатимиз Президенти И. Каримов Кишинёв учрашуви қатнашчиларининг эътиборини асосий масала — МДҲнинг моҳиятига қаратди. Ўртага МДҲ деганда биз нимани тушунамиз — СССРга ўхшаган унитар давлатними, федерацияними, конфедерацияними ёки тенгликка асосланган ҳамжамиятними? деган савол қўйилди.

Дарҳақиқат, МДҲ ҳамма учун бирдай тенгликка ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамжамиятни англатса, унинг пойдеворини емиришга хизмат қилувчи «иттифоқлар» уюштириш ўрнига, авваламбор мамлакатимиз раҳбари учрашувда таъкидлаганларидек, валюталарни конвертация қилиш, эркин савдо-сотиқ учун керакли шароит яратиш лозим эмасми? Афсуски, бунинг ўрнига «иккилик» ва «тўртлик»ни атайлаб тарғиб қилиш, уларга тегишли бўлган ҳужжатларни бошқа мустақил давлатларга тиқиштириш авж олмоқда. Ўз мамлакатларидаги реал муаммоларни ечишга ожиз, аммо сиёсий очко тўплашга ўч баъзи бир давлат раҳбарлари ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайдиган «чиройли» ғояларни ўйлаб чиқишдан чарчамаяптилар. Буларнинг ҳаммаси халқлар ва мамлакатларнинг манфаатларини кўзловчи Ҳамжамиятни мустаҳкамлашга эмас, уни пароканда қилишга хизмат қилмоқда, одамларнинг тинка-мадорини қуритмоқда.

Барчага намуна қилиб кўрсатилаётган Россия ва Белоруссия ўртасида имзоланган Шартнома Низомида охир-оқибат бу икки мамлакатнинг қўшилиб кетиши белгилаб қўйилган. Жаноб А. Лукашенко Белоруссияни мустақиллиги сақланиб қолади, деб қанча жавлон урмасин, қилғиликни қилиб бўлди. Битта давлатда икки суверен мамлакатнинг бўлиши мумкин эмас. Отто Лацисга ўхшаган холис шарҳловчилар «Биродар белорус халқини алдамайлик. Мақсад Белоруссияни қўшиб олиш экан, тўғрисини айтайлик» дейишмоқда. Шундай экан, иккилик ва МДҲ ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин? «Иккилик»нинг моҳияти МДҲнинг моҳиятига мутлақо зид-ку! Табиий равишда бу зиддият МДҲнинг ролини пасайтиришга, кучини сусайтиришга хизмат қилади.

Тўғри, Шартнома имзолангани билан ҳамма иш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Тараққиётнинг, ҳаётнинг ўз қонуниятлари бор. Кейинги пайтларда Минскда бўлиб ўтган норозилик намойишлари, Ғарб давлатларининг Белоруссияга бўлган муносабати, Павел Шеремет туфайли Ельцин ва Лукашенколарнинг «сану-ман»га бориб қолишлари ва ҳоказолар «қўшилиш» жараёни осон кечмаслигини кўрсатиб турибди. Россия Президентининг «аввал П. Шереметни қўйиб юборсин, кейин гаплашамиз» деган сўзлари остида А. Лукашенкога бўлган муносабатни кўриш мумкин. Назаримизда Белоруссия Президенти ўз «тарихий» вазифасини ўтаб бўлганга ўхшайди. Москвада ўтган учрашувда «чўлп-чўлп» ўпишишлар бўлмаганлиги, А. Лукашенко елкасига қоқиб қўйилганлиги билан қаноатланганлиги ўртага тушган совуқлик ҳали-бери кўтарилмаслигидан далолатдир. Ҳозирча «иккилик» Павел Шереметни қамаб қўйилиши, Минскдаги намойишлар, А. Лукашенконинг популистик чиқишларидан руҳланган коммунистларнинг талвасасидан бошқа бирон-бир наф келтирмаганга ўхшайди. Россиядаги ҳушёр сиёсатчи ва зиёлилар А. Лукашенко эрта-индин Россия тахтига даъвогарлик қилса нима бўлади, деган хавотирли саволлар устида бош қотирмоқдалар. Бу хавотирларда жон бор. Зеро популизм ўта юқумли касал. У асосан люмпенларга қаратилган. Популизм ва ундан келиб чиқадиган люмпенликни олди олинмаса, бу жаҳолат мамлакатлар тараққиётини яна орқага улоқтириб ташлаши мумкин.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Россия билан Белоруссия қўшилишга ёки иттифоқ тузишга қарор қилган эканлар, марҳамат, бу уларнинг иши. Аммо бу иттифоқни МДҲни ушлаб турган куч қаторига қўшиш, локомотив деб таърифлаш, бизнинг назаримизда мустақиллик ғояларига зиддир.

Энди тўртликка келсак. Бу «иттифоқ» бундан бир йил илгари Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида Москвада имзоланган божхона иттифоқи туфайли юзага келган эди. «Иккилик»дан фарқли ўлароқ, бу ерда «қўшилиш» ўрнига «чуқурлашган интеграция» ибораси шиор қилиб олинди. Шу пайтгача ҳеч ким «интеграция» билан «чуқурлашган интеграция» ўртасидаги фарқни аниқ-тиниқ изоҳлаб беролмади. Навбатдаги учрашувдан сўнг бу тушунчанинг моҳияти сал бўлсада ойдинлашди. Россия оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қараганда, учрашувда «Тўртлик иттифоқи»га кирган мамлакатлар ҳудудида ягона паспорт жорий этиш таклиф этилган. Аслида, ягона паспорт режимининг жорий этилиши ягона мамлакат деган тушунчани англатмайдими?! Ягона паспортсиз ҳам бир мамлакат фуқароси иккинчи бир мамлакатга бемалол бориб келиши мумкин эмасми? Ахир, бу жаҳон тажрибасида синалган оддий ҳол-ку! Буни амалга ошириш учун, мамлакатимиз раҳбари айтганларидай биринчи навбатда валюталарни конвертациялаш масаласини ҳал қилиш керак. Бу ўз навбатида одамлар учун амалда жон куйдиришни, ғамхўрлик қилишни англатади. Умуман, айтганда, ягона паспорт жорий этишнинг Божхона Иттифоқига қандай дахли бор?!

Хўш, «Тўртлик»нинг юзага келишига сабаб бўлган Божхона Иттифоқининг аҳволи қандай? Очиғини айтганда, бу иттифоқ кутилган натижа бермаяпти. Бунинг устига-устак оммавий ахборот воситалари хабарига қараганда, Қозоғистонда бир томонлама қўшимча қийматдан солиқ олиш тизими жорий этилган. Натижада мамлакат ичкарисига олиб кирилаётган маҳсулотлардан ҳам чегарада, ҳам бозорда сотилгандан кейин солиқ олинмоқда. Бу ўз-ўзидан аҳвол илгаригидан ҳам мураккаблашганини кўрсатмайдими? Мутахассислар, Божхона Иттифоқи криминал капитал ёки наркотик моддаларни мамлакатдан мамлакатга олиб ўтиш учун шароит яратиб бермасмикин, деган саволларни ҳам ўртага ташламоқдалар.

Баъзи бир сиёсатчилар собиқ марказни тиклаш учун мавжуд, келиб чиқиши табиий бўлган қийинчиликлардан устамонлик билан фойдаланиб, миллионлаб одамларни чалғитишмоқда. Гўёки ҳамма нарсага СССРнинг парчаланиши, «эски алоқалар»нинг узилиб қолгани сабабчи эмиш. Бу гапларда ҳеч қандай асос йўқ. Чунки, парчаланмай қолган собиқ социалистик давлатлар ҳам бозор муносабатларига ўтиш даврида табиий равишда келиб чиқадиган қийинчилик ва муаммоларга рўпара келмоқдалар. Бу ҳеч ким четлаб ўта олмайдиган жараён. Бир тизимдан иккинчи бир — мутлақо бошқа тизимга ўтиш шундай қийинчиликларни енгиш эвазига амалга ошади. Буни тўғри англаш керак. Ва мавжуд қийинчиликларни қандайдир иттифоқлар тузиб эмас, балки ички имкониятлар, халқнинг яратувчанлик салоҳияти билан бартараф этиш энг тўғри ва оқилона йўлдир. Баъзи бир мамлакатларда бугун рўй бераётган иш ташлашлар, очлик эълон қилишлар, норозилик намойишлари, иқтисодий ва сиёсий бўҳронлар, жиноятчиликни қутуриб кетиши аслида шу мамлакатларда олиб борилаётган сиёсатнинг маҳсулидир. Мамлакатнинг тақдири аввало унинг тепасида турган раҳбарга, қолаверса, халқнинг меҳнатига ва эътиқодига боғлиқ. Нима, «Иккилик иттифоқи» пайдо бўлгандан кейин Россия ва Белоруссиядаги вазият тарғибот қилинганидек ўзгариб қолдими? Йўқ, албатта. Иқтисодиётнинг ўз ривожланиш қонунлари бор. «Тўртлик иттифоқи» ташкил этилгандан кейин эса шу мамлакатлардаги иқтисодий аҳвол баттар оғирлашди. «Независимая газета»нинг ёзишича (1997.22.10) ўтган йил Қозоғистонда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 59% га камайган, Россия, Белоруссия ва Қирғизистонда бу кўрсатгич 30-36 фоизга тушиб қолган.

Хўш, нега кун сайин урчиб бораётган иттифоқлар кутилган натижаларни бермаяпти, ваъдалар қоғозда қолиб кетаяпти, иқтисодий аҳволда эса бирон-бир сезиларли ўзгаришлар бўлмаяпти? Аксинча бизга қўшни бўлган мамлакатларда ҳам намойишлар, очлик эълон қилиш каби аянчли воқеалар авж олиб бормоқда.

Биринчидан, турли иттифоқлар тузиш билан мамлакатдаги иқтисодий аҳволни тузатиб бўлмайди. Ислоҳотларнинг самараси шу мамлакатлар раҳбарларининг тарихнинг энг масъулиятли даврида йўлбошчилик қила олиш салоҳиятига, халқнинг ўз келажагига бўлган ишончига, юртдаги тинчлик ва осойишталикка боғлиқ.

Иккинчидан, бозор муносабатларига ўтиш жараёни барча мамлакатларда ҳеч қачон бир хил кечмайди. Бундай шароитда том маънодаги тенгликка асосланган иттифоқ бўлиши мумкин эмас.

Учинчидан, мамлакатларнинг ўз олдиларига қўйган стратегик ва геополитик мақсадлари ҳам турлича: кимдир тенгликка асосланган янги муносабатларни қарор топтириш учун курашаётган бўлса, кимдир собиқ марказ ҳукмронлигини тиклашга интилмоқда.

Баъзи бир россиялик мутахассислар мустақил давлатларда олиб борилаётган ислоҳотларни ягона сиёсатга бўйсиндирмай ҳақиқий иттифоқ ташкил қилиш мумкин эмас, демоқдалар. Аммо мустақил давлатлардаги иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг ягона сиёсатга бўйсиндирилиши эса ҳар қандай мустақилликка барҳам бериб, собиқ иттифоқни янги шаклда тиклашга олиб келади.

Жаҳон хўжалик алоқаларига иқтисодий интеграциялашувдан иборат бош йўлни танлаб олган ва ҳозир ҳам бу йўлдан оғишмай одимлаётган Ўзбекистон учун бу йўл мутлақо номақбулдир. Чунки, йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, «Биз учун мустақиллик — ўз эркимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир». Иттифоқлар масаласида эса бизнинг фикримиз қатъий: биз ўзаро тенглик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабатлар тарафдоримиз. Бизга локомотивлар керак эмас. Ўз ҳаётимиз, келажак тақдиримизни қайта қуриш борасида баъзи маҳмадона сиёсатчилар ҳам тан бераётган ўзимизнинг қудратли локомотивимиз бор. Бу локомотив — бунёдкор ва меҳнаткаш халқимиздир ва унинг мустақилликка бўлган букилмас эътиқоди ва келажакка бўлган ишончидир.

Қуддус АЪЗАМОВ.



УМР ЎТИБ БОРАР МИСОЛИ ЭРТАК.

Абдулғани ЖУМА олган сурат.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 3

I

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан 3 ноябрда ЎзТВ I кўрсатувлари соат 17.55 да бошланади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Ораста кийинайлик».
18.30 «Олам ва одам».
18.50 «Шарқ тароналари». 23-кўрсатув.
19.10 «Мен буюк юрт ўғлидурман...» Гроссмейстер Рустам Қосимжонов.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.50, 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Ўзбекистон ва жаҳон».
23.15 «Бастакор илҳоми».
23.45 «Ахборот».
00.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.05 Кундалик.
22.15 «Спорт қитъаси».
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05—00.15 Кундалик.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри — қор одам». Қисқа метражли телевизион фильм. 1-серия.

*

Россия жамоат телевиденеиеси.
18.20—21.35

*

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевиденеиеси
22.00—22.25

*

22.25 Эълонлар.
22.30 «Икки шаҳар киссаси». Бадиий фильм (Англия).
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.35 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Дидар».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Умр баҳори».
20.35 «Ракурс».
21.05 «Спорт-тайм».
21.40 «БМТ: ислоҳотлар йўлида».
22.00 «Рақслар қанотида».
22.30 «Интиҳосиз». Бадиий фильм.
23.15—23.25 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Бастакор илҳоми».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Олам ва одам».
9.35 «Алпомиш авлодлари».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Инглиз тили.
10.35 «Ўн икки ой». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.35 «Остонаси тиллодан».
11.55 «Шарқ тароналари». 23-кўрсатув.
12.15 «Ёшлар ва замон».
12.35 Ш. Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи?» Видеофильм.
14.05—14.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.30 «Замин фидойилари».
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.05 «Изтироб».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.50, 23.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биламиз-у, аммо...»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «XXI аср бўсағасида».
21.20 Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган байрам концерти (такрор).
22.55 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
23.15 «Вазият».
23.35 «Ахборот».
24.00 «Ўйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20 «Авлодимиз».
23.35 «Акс».
23.55 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
00.10—00.20 Кундалик.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри — қор одам». Қисқа метражли телевизион фильм. 2-серия.

*

Россия жамоат телевиденеиеси.
7.30—9.00

***

18.20—21.35

*

21.35 «Қорачингил». Телефильм.

*

Россия давлат телевиденеиеси.
22.00—22.25

*

22.25 Эълонлар.
22.30 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм (Олмония).
00.10—00.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 21.45 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 «Янги иқтисод».
21.20 «ТВ-IV да немис тўлқини».
21.50 «Ўйингоҳ».
22.20 «Телеташриф».
22.40 Мусиқий дақиқалар.
22.45 «Европа манзаралари».
23.05—23.15 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Муҳаббат наволари». Мусиқий дастур.
8.55 «Бокира туйғулар».
9.15 «Қишлоқ стадионларида».
9.35 «Дунё адабиёти».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Одам бўлмайди». Бадиий фильм.
12.30 «Шукуҳ».
13.00 «Юртим жамоли».
13.30 «Қиёфа». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Иброҳимова.
14.05—14.25 «Соз сехри». Мусиқий дастур.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.30 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дур...»
18.35 Фольклор-этнографик ансамбларнинг «Зилол-97» телефестивали.
18.50 «Исмлар тарихи».
19.05 «Жамоат ташкилотлари: маслак ва мақсад».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тошкент метроси: кеча ва бугун».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Эстрада ҳонандалари куйлайди.
21.50 «Бухорои Шариф».
22.15 «Бирдан бир миллионгача». Публицистик кўрсатув.
22.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Хоразм» (Урганч).
23.20 «Ўзбекистон бастакорлари». Рустам Абдуллаев.
23.55 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри — қор одам». Қисқа метражли телевизион фильм. 3-серия.

*

Россия жамоат телевиденеиеси.
7.30—9.00

***

18.20—21.35

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевиденеиеси.
22.00—22.25

*

22.25 Эълонлар.
22.30 «Доно Мондухай хоним». Бадиий фильм. 1-серия (Мўғулистон).
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.50 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
21.55 «Автосалтанат».
22.05 «Нафосат гулшани».
22.35 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.55 «Бу ажиб дунё».
23.10—23.20 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Эстрада ҳонандалари куйлайди.
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳала-рида».
9.25 Болалар учун. «Орзу».
9.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Дастлабки пойга».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Ёшлар учун. «Мунис қалблар».
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Оцеола». Бадиий фильм.
12.30 «Ҳуқуқий жамият сари».
13.00 «Туташ томирлар».
13.15 «Хўжа Насриддин». Мультфильм.
13.35 «Фан — тараққиёт негизи».
14.05 — 15.05 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қизиқарли учрашувлар».
18.35 «Ҳидоят сари».
18.55 «Шарқ тароналари». 24-кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.30 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Давр фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 80 йиллигига.
21.50 Санъат усталарининг концерти.
22.35 «Таҳлил».
22.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Зарафшон» (Навоий).
23.45 «Ахборот».
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Мультипанорама».
9.20 «Ҳайвонот дунёси».
9.40 «Синфдош».
10.00 «Бари ҳазил».
10.10 «Мусиқа салтанати».
10.35 «Жараён».
10.45 Видео-«О».
12.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Қатрада қуёш».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.15 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кино жавонидан».
24.00 — 00.10 «Даракчи».

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри—қор одам». Қисқа метражли телевизион фильм. 4-серия.

*

Россия жамоат телевиденеиеси.
7.30—9.00

***

18.20—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

***

Россия давлат телевиденеиеси.
22.00—22.25

*

22.25 «Сато». Телефильм.
22.45 «Доно Мондухай хоним». Бадиий фильм. 2-серия.
23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.40 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Ҳамшаҳарлар».
20.10 «02» тўлқинида.
20.25 «Чинсэн».
20.55 «Минг бир маслаҳат».
21.10 «Коктейль плюс».
21.45 «Интерспорт».
21.55 «Каталог».
22.05 «Она».
22.35 «Туркия кеча ва бугун».
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25—23.35 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз».
8.45 «Шарқ тароналари». 24-кўрсатув.
9.15 «Бармоқлар сехри».
9.35 «Авлод». Публицистик кўрсатув.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Шоирлар — болаларга».
10.55 «Истак бору, имкониятчи?»
11.10 Болалар учун фильм. «Изтопар».
12.40 «Суварак». Мультфильм.
12.50 «Тасвирга кўчган кўнгил».
13.20 Санъат усталарининг концерти.
14.05 — 15.05 «Сайқал». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кўшиғим, жон кўшиғим».
18.35 «Чемпион билан учрашув».
18.50 Куёш юрти. «Ўзбекистон дея аталур». Телефильм.
19.00 «Қалб гавҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05, 00.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ислоҳот: изланишлар самараси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
21.45 «Битик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.10 «Омад ғилдираги». Телевизион ўйин.
23.00 «Меҳр макони».
«Мунаввар дунё».
Маърифий дам олиш дастури.
23.20 «Олам».
23.40 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 12-қисм(Миср Араб Республикаси).
00.30 «Ахборот».
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Аралаш-қуралаш».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт қўшиқ».
9.45 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Қатрада қуёш».
10.10 «Дубляж».
10.30 «Сир».
10.40 «Мутойиба».
11.00 — 13.30 «Кино жавонидан».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.35 «Нозик мўъжиза».
18.45 «Екимли иштаҳа».
19.00 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.10 «Эртага — шанба».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Дилнавоз садолар.
20.05 «Тақдим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «Хуш келибсиз».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.15 «Бокс. Бокс. Бокс».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 «Даракчи».

III

17.30 Янгиликлар.
17.35 «Гарри — қор одам». Қисқа метражли телевизион фильм. 5-серия.

*

Россия жамоат телевиденеиеси.
7.30—9.00

***

17.55—21.35

*

21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

Россия давлат телевиденеиеси.
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 Наби Раҳимов «Фалокат оёқ остида». фильмида.
00.10—00.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Бу бўстон аро».
20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.50 «Ширу-шакар».
21.20 «Маънавият ва ислом».
21.40 «Осиё монитори».
22.15 «Араб эстрадаси».
22.35 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Халқ ижодиёти».
8.55 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 12-қисм.
9.40 «Тонг юлдузи» — мехмонимиз».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.05 «Маҳорат».
10.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.45 «Омад ғилдираги». Телевизион ўйин.
11.35 «Озода бўлса шаҳринг».
12.00 «Истеъдодлар ўлкасидир ҳур Ўзбекистон!» Республика ёш ижодкорлар фестивали.
12.45 «Инсон — ҳаёт гултожи».
13.10 «Мио, болагинам Мио». Бадиий фильм.
14.45 — 15.05 «Табаррук қадамжолар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Кўнгироқча».
18.20 «Шеър ва шуур».
18.30 «Спорт, спорт, спорт».
19.00 «Шарқ

Билса ҳазил...

КИМ НИМАНИ ЯХШИ КЎРАДИ?

Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари — ўйин охирида гол ўтказишни.

Қассоблар — суякни гўштга қўшиб сотишни.

Кондукторлар — чиптасиз йўловчиларни.

Ферма мудирлари — молларни «чиқим»га чиқаришни.

Сут сотувчилар — сутга сув қўшишни.

Йигитлар — «Сотка» телефон олиб юришни.

Қизлар — сўнгги модани.

Унаштирилган ёшлар — учрашув онларини.

Кассирлар — маош тарқатишни.

Олибсотарлар — деҳқондан «оптом»га «мол» олишни.

Ҳамширалар — янги туғилган чақалоқ учун суюнчи олишни.

Отарчи ва ўйинчилар — «қистир-қистир»ни.

Магазинчилар — ёғ, ун ва шакар сотишни.

Сартарошлар — мижозларининг кал бўлишини.

Меҳмонхона хизматчилари — «йўқ» дейишни.

Порахўрлар — «кўк»идан олишни.

Ўғрилар — чироқ ўчишини.

Тўпловчи: Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

БИР ҚЎШИҚ ИЗЛАЙМАН

Шеър ва шуур

МАРДЛАР МАЙДОНИ

Яшамоқ — бу жумбоқ йўл,
Шу йўл бизни етаклар.
Яшамоқ бу уммон қўл.
Осмон ости бутоқлар...

Яшамоқ бу сарҳисоб,
Вақтинг, бахтинг кулади.
Яшамоқ — бу тун-офтоб
Жисмингда нур юради.

Шу нурки сен бошингда
Саллона — саллонадур.
Шу нурки сен қошингда
Парвона-парвонадур.

Нурли диёр заминини
Минг бор тавоб айлагум.
Меҳри бисёр халқимга
Минг бор савоб бойлагум.

Умрим ўтибки борар,
Қора сочим санайман.
Бахтим ҳам кутиб ётар
Уммонимга қарайман.

Бу чеки йўқ дунёга,
Тўймагай бирор кўнгил.
Яшашнинг сир-сийнати
Дунё қайтмас экан бил.

Аломатлар олдингда,
Юзлаб, минглаб, қўш-қатор.
Маломатлар бағрингда
Оҳингга етмас дорлар.

Тонгда шабнам ёшидек,
Бир келдим-у, бир кетдим.
Гўзал ўсма қошидек,
На ҳол бўлдим... унутдинг.

Оҳулардек кенг чўлда,
Яйраб-ўйнаб сиғмайман.
Мабодо борсам гўрда,
Кимга дод деб йиғлайман.

Йиғининг овозлари,
Ҳеч бир кўкка сиғмаган.
Умримнинг парвозларин,
Икки она туғмаган.

Капалакнинг умрини,
Яшаб ўтганлар мисол.
Юз йил умр кўрсанг ҳам,
Етмишмиди бир висол...

Дунё тўймас одамга...
Одам тўймас оламга...
Айтиб ўтай боламга
Юзга кирган холамга.

Дунёга ташналар кўп,
Дунёга ошналар кўп
Барчасида орим бор...
Биттагина зорим бор...

Яшамоқ мард майдони,
Толмагай юрак қони.
Муқаддасдир ҳар они,
Бор бўлсин дўстлар жони.

МАЙЛИ, ГУЛХАН БЎЛИБ ЁНДИР ДИЛИМНИ

Бир қўшиқ излайман, қайноқ қалблардан,
Бир қўшиқ излайман, болдор лаблардан.
Меҳрим чаманлари сенгадир ташна,
Бир қўшиқ излайман, шўх булоқлардан.

Изладим, излайман шод қўшиқни мен,
Кўнглим соғинади, қаерларда сен,
Ишқингда ўртанган лак-лакон бўлса,
Дардингни давоси — мен ўзим дегин.

О, қўшиқ! Истадим, ойлар қатидан,
Сен-ёрсан. Қўмсадим, севгим бахтидан.
Бормисан, эй қўшиқ қуёш ортида.
Садо бер, муҳаббат олий тахтидан.

Жонгинам, келақол, шод эт элимни,
Ошиқлар садоси дилкаш кўнгилдан,
Майли, гулхан бўлиб ёндир дилимни,
Маст уйқу ораси... келсин ўнгидан.

Узоқ-узоқлардан хуш сасинг бор-ку.
Баҳорим элчиси-иқболинг ёр-ку.
Умримнинг борича излайман инон,
Изларингни гарди менга мадор-ку!

Жумақул КАРИМ.
Самарқанд.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРО, навбатчи А. ОМОНБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0731

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) ва СЕЙФЛАРНИ СОТАДИ



Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ - 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини,
Телефон: (3712) 133-40-07, 132-14-25, 132-14-34.

TOSKENT SUT
САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"ТОШКЕНТСУТ" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ "ТЕТРА ПАК" ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН 1 ЛИТРЛИ ИДИШЛАРГА ҚАДОҚЛАНГАН СУТНИ, ШОКОЛАДЛИ, ҚУЛУПНАЙЛИ ВА БАНАНЛИ СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК 0,2 ЛИТРЛИ ИДИШЛАРГА ҚАДОҚЛАНГАН ОЛМА,

АПЕЛЬСИН, МАНДАРИН ҲАМДА ШАФТОЛИ ШАРБАТЛАРИНИ СОТАДИ.

Сут ва сут махсулотларининг сақланиш муддати — 4 ой
Шарбат махсулотларининг сақланиш муддати — 1 йил.

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 26-даха. "ТОШКЕНТСУТ"

Телефонлар: (3712) 72-05-80, 72-02-81.

UZBEKISTAN airways
РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ АЗИЗ ФУҚАРОЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИ!

Ноябрь ойидан бошлаб Тошкент — Санкт-Петербург авиайўналиши бўйича энг замонавий ва қулай "Боинг-767" самолёти парвозлари бошланади.

Қатновлар бориш — сешанба, орқага қайтиш — чоршанба кунларида амалга оширилади

НУ-5059 Тошкентдан учиш вақти - 19.30
Санкт-Петербургга келиш вақти - 22.45
НУ-5060 Санкт-Петербургдан учиш вақти — 00.15
Тошкентга келиш вақти — 07.10 (маҳаллий вақт бўйича)

"Боинг"да биринчи, бизнес ва тежамкор тоифалар бўйича хизматлар кўрсатилади. Парвоз давомида ёқимли дам олиш учун барча шароитлар муҳайё: қулай ўриндиқлар, ажойиб дизайн, турфа ичимликлар ва ширин таомлар, кўнгил очар мусиқалар ва видеодастурлар, эсдалик совғалари савдоси.
Атиги 5 соатлик парвоздан сўнг, Сиз — Россиянинг "шимолий пойтахтида" бўласиз. Санкт-Петербургнинг ҳаво дарвозаси — "Пулково" аэропорти авиасайёҳларни меҳмондўстлик билан кутиб олади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" — қулай парвоз этинг!



Ҳаво қатновлари Бош агентлиги кассаларига мурожаат этинг: Тошкентдаги тел: 56-38-37, 066.
Авиареклама

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА БАНК МИЖОЗЛАРИ!
«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ»
"Рынок, деньги и кредит"
илмий-амалий журнали
Сизга 1998 йил учун обуна бошланганини маълум қилади! Бизнинг нашримиз фирма раҳбарлари, банкирлар, давлат хизматини ўтаётганлар, банк мижозлари — хуллас, ҳамма учун, зарурий ахборот ва амалий билимга эга бўлиш мақсадидаги барча-барча учун мўлжалланган.
Журнал Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари ва қўшни мамлакатларда тарқатилади.
Республика матбуот тарқатиш каталоглари бўйича журнал индекслари:

	"Ўзбекистон почтаси"	"Даврий нашрлари"
Якка обуначилар учун	800	75532
Корхоналар ва ташкилотлар учун	800	75533

МДҲ мамлакатлари учун индекс 75298
Обунани истаган алоқа бўлимларида расмийлаштиришингиз мумкин.
Маълумот учун таҳририят телефони: (371) 139-49-21

Вниманию руководителей автопредприятий и организации!

Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи» предлагает к реализации со склада в Ташкенте нижеследующие:
— гильзопоршневая группа
— коленчатые валы
— головки блока
— диски сцепления
— карбюраторы
— рулевой механизм
— блок цилиндров
— компрессоры
— сцепления в сборе
и более 400 наименований запасных частей к автомобилям ГАЗ-24, 31, ГАЗ-53; ЗИЛ-130, МАЗ, КАМАЗ, КРАЗ, а также Асботкань АТ-1, АТ-3, Сальниковая набивка АПР 10 ; 18.
Форма оплаты — перечислением.
Наш адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19.
Факс: (3712) 54-76-31.

"ТОШКЕНТМЕБЕЛЬ" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ





Ўзининг фирма дўкони орқали кенг турдаги мебель жиҳозлари:
— ётоқхона учун мебеллар тўплами;
— кўп мақсадда ишлатиладиган идиш-товоқлар жавони;
— юмшоқ мебеллар тўплами;
— офис мебеллари;
— кийим-кечак шкафлари;
— кроват, тўшак ва банкеткаларни

нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ.

Жиҳозлар 10 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Магазин Мавзуки кўчаси, 245-уй. 43-автобуснинг охирги бекати. Телефонлар: 48-68-89, 48-37-50.

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ - ЎЗБЕКИСТОН (СОРОС ЖАМҒАРМАСИ)

«Саёҳатлар учун грантлар» конкурсини эълон қилади

Конкурс конференция, семинар, симпозиум, конгрессларда докладлар билан қатнашмоқчи, лекин маблағи старли бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари учун ўтказилади.

Бундай илмий тадбирлар:
* Таълим
* Фуқаролик жамияти
* Демократик институтлар қуриш
* Ҳуқуқий ислоҳот
* Ижтимоий фанлар
* Экология
* Экономика
* Медицина
* Кутубхона

каби соҳаларда ўтказилиши лозим. 1998 йилнинг 1 январдан 31 мартгача бўлиб ўтадиган чора-тадбирларда қатнашиш учун аризалар қабул қилинади. Аризаларни 1997 йилнинг 5 декабригача Очиқ Жамият Институтига топшириш керак.

Ушбуларга грант берилмайди: спорт, дин, сиёсат ва бизнес билан боғлиқ саёҳатлар, чет элда ўқишни, фестивал, конкурс, кўрикларда қатнашув, илмий тадқиқотлар ўтказиш, табиий фанлар.

Ариза формасини Очиқ Жамият Институтидан олишингиз мумкин.
Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент. 700100, Ивлиев кўчаси, 41
(Океан магазини ёки Шота Руставели кўчасидаги Туркия коллежи яқинида)
Телефон/факс: (3712) 40-68-54, 55-61-60, 54-82-43.
Электрон почтаси: <osi@osi.freenet.uz>